



## ИЛМИЙ МАҚОЛАДА САРЛАВҲА, УНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ФОРМУЛИРОВКАСИ

Салоева Ҳилола Равшан қизи,

“Илм-фан ва инновацион ривожланиш” журнали бош муҳаррири;

e-mail: Saloeva.hilola@mail.ru;

ORCID: 0000-0003-0981-8565

*“Илм-фан ва инновацион ривожланиш” илмий журнали таҳририятига келиб тушаётган кўплаб мурожатларни инобатга олган ҳолда, илмий мақолани тўғри расмийлаштириши ва таркибий қисмларини талабларга мос ҳолда ёзишга оид туркум мақолаларни “Методик кабинет” рукнида бериб боришни лозим топдик. Бу мақолаларда аввалгиларидан фарқли равишда илмий мақоланинг ҳар бир элементи, яъни таркибий қисмига батафсил тўхталиб, кўриб чиқилади, уларни талаб даражасида тўғри ёзиш ҳақида маълумот берилади. Ўйлаймизки, мазкур мақолалар нафақат илмга энди қадам қўяётган ёш олим-тадқиқотчилар ва ихтирочилар, балки халқаро илмий-техник базаларда илмий мақолаларини чоп эттиришда қийинчиликларга дуч келаётган барча муаллифлар учун қўл келади.*

Ҳар қандай мақолада сарлавҳа асосий ва бош элемент ҳисобланади. Бироқ илмий мақолада сарлавҳанинг ўрни ва аҳамияти катта бўлиб, унга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Тўғри қўйилган сарлавҳа мақоланинг илмий жамоатчилик орасида тез оммалашуви ва интернет тармоғида кенг тарқалишини таъминлайди. Аксарият муштарий-ўқувчилар ўзларига керакли маълумотларни излаган пайтда, биринчи навбатда, мақоланинг сарлавҳасига эътибор қаратишади. Интернетда қидирув жараёнида айнан сарлавҳалар саҳифаларда кўринади. Ўқувчилар саҳифаларни кўздан кечириш мобайнида аниқ ва мазмунли тузилган сарлавҳани танлаб, кейин мақолани ўрганиб чиқишади. Натижада энг яхши сарлавҳалар интернет саҳифасида юқори ўринга чиқади. Бундан ташқари, мақоладаги адабиётлар рўйхати, илмий маълумотлар базалари ва кутубхоналар каталогларидаги мақолалар рўйхатлари ҳам сарлавҳалар асосида тузилади. Демак, кўриб турганингиздек, сарлавҳа қайсидир маънода индикатор – кўрсаткич вазифасини ўтайди. Айнан шунинг учун муаллиф илмий мақола сарлавҳасига катта эътибор бериши, айниқса, мақоланинг глобал тармоққа юкланишини инобатга олиши зарур.

Информацион, публицистик ёки таҳлилий мақолалар сарлавҳалари кўпроқ ўқувчи-

лар эътиборини жалб этишга қаратилади. Бироқ илмий мақолага сарлавҳа қўйишда ўқувчи эътиборини қаратиш асосий мақсад қилиб олинмайди. Илмий мақола сарлавҳаси бош функциясига илмий тадқиқот мавзусини аниқ акс эттириш киради. Шу туфайли илмий мақола сарлавҳасида умумий сўзлар миқдори баъзан кўпайиб кетади. Бу илмий мақола сарлавҳаси учун одатий ҳол. Лекин шунда ҳам сарлавҳада қўлланиладиган барча сўзлар миқдори 10-15 тадан ошмаслиги керак. Бу сарлавҳанинг аниқлиги ва илмий талабларга мослигини таъминлайди. Илмий тадқиқот мавзусини сарлавҳада аниқ акс эттириш илм аҳлига енгиллик яратади, мақоланинг интернет тармоғида осон ва тез топилишини кафолатлайди.

Мақолага бир вақтда ҳам аниқ, ҳам мавзу доирасида, ҳам тадқиқотни тўғри акс эттирадиган сарлавҳа қўйиш муаллифдан катта маҳорат талаб қилади. Шу туфайли тажрибали муаллифлар мақолани ёзиб бўлгандан кейингина сарлавҳа устида бош қотирадилар. Бунда сарлавҳа мақола матнида келтирилган барча маълумотларни ўзида акс эттиради.

**Сарлавҳага қўйиладиган асосий талаблардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиши мумкин:**



- сарлавҳа мавҳум ёки умумий фикрлар орқали баён этилмаслиги;
- академик услубда ёзилиши;
- жуда қисқа бўлмаслиги;
- қўлланиладиган сўзлар миқдори 10-12 та, калит сўзлар эса 1-2 тадан ошмаслиги;
- фақат умумқабул қилинган қисқартмалар (ДНК, РНК) қўлланилиши керак.

***Сарлавҳа формулировкаси жараёнида кўйидаги ҳолатларга йўл қўйилмайди:***

- сарлавҳада нуқта ишлатилмайди;
- тире қўллаш ҳам ноўрин ҳисобланади, дефисларни қўллаш бундан мустасно (дефис сўзларни боғлашда ишлатилади);
- кимёвий формулаларни ёзмаслик лозим, масалан,  $H_2O$ ,  $CN_4$  (унинг ўрнига уларнинг умумий номи қўлланилади);
- сарлавҳада рим сонлари ишлатилмайди;
- нуқтали вергул «;» белгиси ҳам қўлланилмайди (унинг ўрнига икки нуқта ишлатилган маъқул, бу гапни икки мустақил қисмга бўлиш учун қўл келади);
- аббревиатура (қисқартма)ларни қўллаш мумкин эмас (масалан, Са билан СА бир маънода тушунилиши мумкин. Бунда СА – онкология атамаси);
- сўроқ белгисини ҳам ишлатмаслик мақсадга мувофиқ (бу мақолага иқтибос беришни камайтиради);
- сон кўрсаткичлари ва бирликларни келтирмаслик лозим, масалан,  $км^{-1}$  ёки  $км/соат$ ;
- дори препаратларининг мураккаб номларини ёзгандан кўра, уларнинг умумий номи қўллаш ўринли;
- «Ҳисобот», «Тадқиқот», «Натижалар», «Экспериментал тадқиқотлар» каби сўз ва жумлаларни имкон қадар ишлатмаслик лозим, бундай сўзлар сарлавҳага қўшимча маъно бермайди;
- қисқартирилган илмий номларни келтирмаслик керак, масалан, *coli* эмас, *Escherichia coli*.<sup>1</sup>

Ёш тадқиқотчилар сарлавҳа формулировкасида тажрибасизлик қилиб, баъзан сенсацион номлар, ўқувчилар эътиборини тортадиган жумлаларни қўллашади. Яна бир бор таъкидлаймиз, бу публицистик мақола сарлавҳасига хос жиҳат. Илмий журналлар аудиторияси илм аҳлидан иборат. Юқори

интеллект соҳибларини эса баландпарвоз – “хайқириқли”, ҳис-ҳаяжонли сарлавҳалар билан жалб этиб бўлмайди. Бундай сарлавҳа мақола муаллифининг тажрибасизлиги, илм соҳасида компетенцияси йўқлигини билдириб қўяди.

Кўйида ёш тадқиқотчиларимиз томонидан сарлавҳа формулировкаси жараёнида йўл қўйиладиган асосий хато ва камчиликларни келтириб ўтамиз:

- гапларнинг нотўғри синтактик қурилиши, яъни гапдаги сўзларнинг бир-бирига маъно жиҳатдан боғланмаслиги;
- семантик номувофиқлик, яъни сўзларни мазмунан ноўрин қўллаш;
- мавзуни жуда кенг ифодалаш;
- ноилмий услубни қўллаш;
- тадқиқот объектининг аниқ эмаслиги;
- ортиқча сўзлар, боғловчи ва қўшимчаларни қўллаш.

Сарлавҳа формулировкасида мавзуни акс эттирганда, асосан, илмий тадқиқот объекти, элементи, эмпирик асоси ва илмий янгилигини акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Муаллиф мақола ёзаётганда, турли манбаларга мурожаат қилади, нафақат замондошлар, балки хориж тадқиқотчиларининг илмий ишларини ўрганиб чиқади. Ушбу жараёнда муаллиф мақола мавзуси билан сарлавҳа ўртасидаги боғлиқликни топиб, нима сабабдан мақола айнан шу ном билан номланганлигига эътибор қаратиши керак. Бунинг учун кўпроқ мавзу доирасида ёзилган илмий ишлар билан танишиб чиқиш лозим. Қанчалик кўп манбалар билан ишланса, таҳлил жараёнида шунчалик кўп тажриба ортиб бораверади.

Шуни эсда тутиш керакки, илмий мақолага тўғри сарлавҳа қўйиш, аслида, мураккаб иш эмас. Мақолани ёзиб бўлгандан сўнг калит сўзлар ва тадқиқот объектини ўзингиз учун ажратиб олиб, сарлавҳа формулировкаси жараёнида қўллашга ҳаракат қилинг. Бу сизга ижод маҳсулининг интернет тармоғида олимлар томонидан осон топилиши ва иқтибослик кўрсаткичи кўтарилишини кафолатлайди. Муҳими, сарлавҳа мавзуни ўзида акс эттириб, ўқувчи ва тақризчиларда ортиқча савол туғилишига сабаб бўлмаслиги лозим.

<sup>1</sup> <https://www.enago.ru/academy/writing-a-good-research-title-things-to-avoid/>